



Тарик ибн Зиёд



Шимолий Африка замини жуда яхши ўлка. Ушбу ўлкадан Ислом умматининг кўпдан-кўп буюк зотлари чиккан!

Навбатдаги кахрамонимиз Худо сийлаган ушбу замин кумлигида таваллуд топган. Андалусия забткори бўлмиш ул зоти шарифнинг исми Тарик ибн Зиёддир. Андалусия тарихий ходисалар ва гамгин хотираларга бой, ўз ичига 800 йилдан зиёд даврни камраб олган жуда узок тарихга эгадир. Бу давр умматимиз вужудга келган муддатнинг ярмидан ошадиган даврдир. Мазкур асарда мен, Худо хохласа, Андалусия тарихини боскичма-боскич ёритиб бораман. Бу ишни мен ортга кайтариб бўлмайдиган кунларни эслаб кўз ёш тўкиш учун килаётганим йўқ (мек ҳеч қачон бундай мақсадни кўзламаганман). Саккиз юз йилдан зиёд кечган Исломиий идора усулининг бир-бирини алмашлаб келган бекиёс юксалиш ва кулаш жараёнларини ўз ичига камраб олган Андалусия тарихи - Ислом умматининг бугунги ёшларига муайян давлатнинг юксалиши ва кулашига олиб келадиган сабабларни тушунтириб бериш учун яққол мисол бўла олади деб ҳисоблайман. Аллоҳ таолога Ўзининг жалолига муносиб ҳамду санолар бўлсинким, Унинг қурраи заминда ўрнатган қоидалари ўзгармасдир. Агар биз мусулмонлар томонидан маълум вақт оралигида қўлга киритилган галабаю юксалишларнинг тарихини ўрганиб чиқиб, олинган сабоқка мувофиқ иш тутадиган бўлсак, зафар қозониб

боришимиз мукаррар. Агар биз маглубиятлару кулашлар тарихини ўрганиб чикиб, тегишли хатоларга йўл қўймасак - ўтмишдаги аянчли ҳолатларга тушиб колмаймиз. Бундан ташқари, Андалусия маданиятининг тарихи ўз ичига тараккиёт, билим, диний, миллий, иркий багрикенгликни мужассам этган ягона мисол сифатида хизмат килади. Буюк саркарда Тарик ибн Зиёд араб бўлмаган. У тарихда кўпроқ барбарлар номи ила танилган амазиглар халкидан чиққан. Уларга барбар номини Рум подшолигининг аҳолиси берган. Чунки румликлар румлик бўлмаган ҳар қандай халқни барбарлар дея атайверишган. Жумладан, уларга қарши уруш олиб борган герман қабилаларини ҳам барбарлар деб аташган. Амазиглар эса - Ислом учун, диндош мусулмонлар учун ўзини қурбон қилган буюк Исломий халқлардан биридир. Ислом умматининг қўплаб уламоларию жангчилари амазиглардан чиққанини қўпчилик билмаса керак. Улар жумласига Андалусия забтқори Тарик ибн Зиёд, ҳавода учиш амалиётини биринчи бўлиб бошлаб берган Аббос ибн Фирнас, Алморавидлар (ал-Мурабитун) империясининг асосчиси Абдуллох ибн Ёсин, Заллак бўсағасидаги жанг қахрамони Юсуф ибн Ташфин, Мароқаш қахрамони Абдулқарим Хаттобий, Жазоирнинг асл фарзанди имом Муизз ибн Бадис қаби қўплаб қахрамонлар қиради. Ва Ислом динига эътиқод қиладиган ҳар бир амазиг билиб қўйсинким, у Аллохнинг араблардан чиққан элчиси Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг динини ҳимоя қилган буюк қахрамонлар авлодидандир! Ул зоти шарифлар одамлар ирқию миллатига қараб ажратилмайдиган муқаддас динда нихоятда юксак мавқега эга бўлишган.

Динимизнинг улугворлигию ажойиблигини қарангки, маслакнинг соддалиги билан муқаммал қонунлар мажмуини ўзида мужассам этиб, инсонга мангу саодатга эришишни қафолатлайди! Агар одамлар Исломга доир ҳақ гаплардан воқиф бўлишса борми, тўп-тўп бўлиб динимизга қиришган бўлар эди. Бинобарин, Исломнинг асл қиёфасини бузиб қўрсатиш бугунги даврда Ислом уммати тарихига тажовуз қиляётганларнинг олдида турган энг муҳим вазифага айланиб қолди. Зеро, ундай тажовузқорлар муқаддас динимиз истибдод остидаги халқларга етиб бориши ва бу билан золим ҳукмдорлару қиролларнинг мазлумлар устидаги ҳукми барҳам топишига йўл қўймасликни исташади. Тарик ибн Зиёд Мароқашдаги Танжер шаҳри амири бўлиб, Шимолий Африка ҳукмдори Мусо ибн Нусайра розияллоху анхуга бўйсунган. Ўша даврда қўплаб амазиглар Исломни тарқ эта бошлашган. Мусо томонидан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида аниқдашича, оммавий муртадликнинг асосий сабаби маҳаллий халқ араб тилини билмаслиги ва шу боис, диннинг араб тилида битилган қонунлар мажмуини тушунмаслигидан иборат бўлган. Шунда Мусо ибн Нусайра розияллоху анху араб тилини биладиган амазигларга Ислом амалиётини ўргатиш учун Шом ва Ямандан тобеъинларни (Тобеъин (араб. - издош) - Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг даврида яшаган, лекин уни шахсан қўрмаган ёки саҳобалар билан қўришиб, мулоқот қилган мусулмон.) ўз салтанатига таклиф қилди. Тобеъинлардан таҳсил олган ундай амазиглар эса, ўз навбатида, Ислом меъёрларини қабиладошларига ўз она тилларида ўргатишган. Шу тариқа одамлар Исломнинг асл мазмун-моҳиятини англай бошлашган. Шимолий Африка мусулмонлари ўша даврда катта бир муаммога дуч қелишган. Рум кемалари вақти-вақти билан ҳужум қилиб боргани боис мусулмонлар қудратли ҳарбий-денгиз флотига эҳтиёж сезишган. Мусо ибн Нусайра розияллоху анху кemasозлик қорхонасини барпо этиш учун Қайруан бандаргоҳини қуриш ишларини бошлаб юборди. Мусулмонлар бандаргоҳ қуриш йўлида бор қайратларини ишга солишар экан, ажойиб бир ҳодиса юз берди.

Кунлардан бир кун Танжер амири Тарик ибн Зиёд номига Марокашнинг Суета шахри хокими Юлиан исмли насронийдан хат келди. Юлианнинг Флоринда исмли гўзалликда тенги йўк кизи бўлган. Ота кизини Андалусия саройига тахсил кўриши учун юборади. Бирок ўша даврда юз берган давлат тўнтарилиши туфайли Андалусия кироли Витица тахтдан агдарилиб, ўрнига кахри каттик кирол Родерих келади. Ушбу кирол Юлианнинг кизини зўрлаб, ўзиники килиб олади. Киз отасига хат йўллаб, бошидан ўтган кулфатларни баён этади. Табиийки, отанинг кахри кайнаб, зўравон киролга хоинлик килишга ахд килади. Мусулмонлар эртами, кечми Сеут шахрини насронийлар хукмидан озод килишини идрок этган Юлиан Тарик ибн Зиёд билан музокаралаб ўтказиб, кизик бир таклиф киритади. Хусусан, Юлиан Танжер амири Тарик ибн Зиёдга Сеут шахрини тинч йўл билан топшириш, кемаларини амирга вақтинча бериб туриш ва мусулмонлар кўшинини Андалусия тоғларининг киши билмас сўқмоклари оркали олиб ўтишни таклиф килади. Буларнинг эвазига у агар мусулмонлар Андалусияни забт этишса, кирол Витицанинг ер-мулкини сўради.

Тарик ибн Зиёд Юлианнинг кемаларида асосан амазиглардан таш-кил топган етти минг кишилик кўшин билан денгизни ошиб ўтди. Готлар гарнизонига биров кутмаган жануб томондан хужум килиб, яксон килди. Гарнизон бошлиги жанг майдонини ташлаб кетиб, душман бўлинмаларини кузатиб ўрганиш учун тунда яширинча кайтади. Ракиб жангчилари руку ва сажда амалларини бажариб, туни билан Аллохга ибодат килишганини, аллакандай китобни тиловат килишар экан, кўзларидан дув-дув ёш тўкилаётганини кўради. Кўзига ишонмай, донг котган гарнизон бошлиги Андалусия пойтахти Толедо шахрига, ўз кироли Родерих номига нома йўллаб, унда куйидагича маълумот беради:

«О Родерих! Биз цандай халкка дучор бўлдик билмайман. Улар ё Ерда яшайдиган одамлар, ё самодан тушган фаришталардир!»

Кирол Родерих пухта куролланган 100 минг рицари билан мусулмонларга карши сафарга чикди. Иўлга чикишдан олдин у мағлуб килиниб, асир олинадиган мусулмонларни боғлаш учун керак бўладиган аркон захирасидан кўпрок хозирлаб кўйишни буюрди. Тарик ибн Зиёд Мусо ибн Нусайра розияллоху анхудан мадад сўрагач, унинг ихтиёрига яна беш минг жангчи етиб келди. Шундай килиб, мусулмонлар армияси 12 минг кишидан иборат бўлиб, жангчиларнинг аксарияти пиёда аскарлар бўлди. Ва бу армия 100 минг кишилик насронийлар армиясига карши жанг килиши керак эди. Хижрий 92 йил, Рамазон ойининг 28 санасида (милодий 711 йил, 19 июль куни) икки армия Гвадалет якинида тўкнаш келди. Ушбу жанг тарих сахифаларига Херес-дела-Фронтер бўсагасидаги мухораба номи билан кирган. Жами 3 минг жангчисини йўкотган мусулмонлар кўшини ушбу жангда голиб чикди. Уша куннинг ўзида ер тишлаган шухратпараст кирол Родерихга мусулмонларни боғлаш учун аркон керак бўлмади.

Тарик ибн Зиёднинг жасоратлари хакида жуда кўп гапириш мумкин бўлиб, тафсилотлари баён этиладиган бўлса, мазкур китоб хажми камлик килади. Бирок мухим бир жихат борки, унда албатта тўхталиб ўтмоқ даркор. Бунда гап биз оталаримиздан, улар эса боболаримиздан эшитган ходиса хакида боради. Ўша ходиса тарихини биз мактабда ўқиган бўлиб, шубхага ўрин бўлмаган хакикатдай кабул килганмиз. Унда айтилишича, Тарик ибн Зиёд мусулмонлар Андалусия киргогигача сузиб келган кемаларни ёкиб ташлаб, ўз жангчиларига: «Энди ортингизда денгиз, олдингизда эса душман колди», - дея хитоб килган эмиш. Аслида эса бу гап тарихан нотўғридир. Афтидан, бу иш Ислом уммати тарихига тажовуз киладиган шаркшуносларнинг

навбатдаги кирдикорларидан бири бўлиб, 100 минг кишилиқ насронийлар кўшинининг 12 минг кишилиқ мусулмонлар кўшини олдида маглуб бўлганини оклаш учун ўйлаб топилган уйдирма бўлса керак. Бу билан ўша тажовузкорлар кочиш учун кемаси бўлмаган мусулмонлар жанг килишга мажбур бўлишганига ишонтиришмоқчи хаммани. Бирок Ислон тарихини яхши ўрганиб чиқадиган одамлар шунга ишонч хосил килишлари мумкинки, умматимиз лашкари душмандан сон жихатдан устун келгани учунгина галаба козонмаган. Аксинча, аксарият тарихий мухорабаларда сон жихатдан озчиликни ташкил эта туриб зафар козониб келган. Устига-устак юкорида келтирилган ходиса Ислоний тарих китобларида эмас европаликлар ёзган дарсликларда баён этилган. Ислоний манбаларда ундай чоранинг харом ёки халоллигига доир бирорта изох йўк. Боз устига, агар Тарик ибн Зиёддек тажрибали саркарда маглубиятга учраш мумкинлигини рад этмаган бўлса (Ислоний кўшин маглубияти эса эхтимолдан холи эмас эди), бошка китъага чекиниб диндошлар химоясига ўтиши шарт бўлган. Бундай амалга Ислонда ижозат берилган бўлиб, унинг ижроси учун танбех берилмайди. Тарихимизга тажовуз килаётганлар томонидан мазмунан хунук тўкилган ўша ходисага тўла-тўкис раддия бўладиган энг мухим вазият шундан иборатки, ушбу кемалар мусулмонларга тегишли эмас эдики, Тарик ибн Зиёд уларни ёндириб юборса. Юкорида айтилгандек, у кемалар кизини ўз кироли зўрлаган Сеут хокими Юлианга карашли бўлган. Шундай килиб, европаликларнинг уйдирмаси пуч бўлиб, уни мактабда ўрганишни, сухбатларимизда такрорлашни бас килиш керак.

Мухораба ва галабалар хакида гап борар экан, уммати Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам тарихидаги, умуман, банибашар тарихидаги энг истеъдодли саркардалардан бири тез-тез хотирлаб борилади. Ушбу араб саркардаси ўз хаёти давомида бирор марта бўлсин маглубиятга учрамаган. Хозир биз Арабистон яриморолида тугилиб. Форс ва Византия империяларининг кўшинларини кунпаякун килган курайш кахрамони хакида фикр юритмоқдамиз. Хозир биз Аллохнинг ялангочланган шамшири хакида гапирмоқдамиз!

Ат-Туробийнинг

"Ислон умматининг 100 буюк шахси" китобидан